



BUXORONING JAHON MADANIYATIDAGI O`RNI

RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI
ONLAYN ILMIIY-AMALIY
KONFERENSIYA

2020,
27-aprel

KONFERENSIYA
MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**“БУХОРОНИНГ ЖАҲОН
МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”**

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий
анжуман*

МАТЕРИАЛЛАРИ

БУХОРО – 2020

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги № 56-ф сонли фармойиши асосида Бухоро давлат университетида 2020 йилнинг 27 апрель куни **“Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни”** мавзусида Республика миқёсида **онлайн** илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир ҳайъати:

Бухоро давлат университети ректори,

иқтисод фанлари доктори

О.Х.Ҳамидов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,

иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

О.С.Қаҳҳоров

доцент

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.

Ж.Р.Жўраев

Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б. тарих

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.У.Темиров

Бухоро тарихи кафедраси доценти,

тарих фанлари номзоди

М.Б.Қурбонова

Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.М.Жамолова

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б., т.ф.ф.д., (PhD)

Болтаев А.Ҳ. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мубинов М.А. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

*Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган
мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун
муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар*

МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ БУЮК НАМОЯНДАСИ МУТАВАККИЛ БУРҲОНОВНИНГ БУХОРОДАГИ УЙ-МУЗЕЙИ ТАРИХИДАН

*БухДУ Бухоро тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси Болтаев Бобир Бахтиёрвич
Жондор туман 1-сонли мактаб ўқитувчиси
Жумаева Мамлакат Ходжамуратовна*

Мутаваккил Бурҳонов уй-музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрда қабул қилинган “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонасининг филиали мақомида ташкил этилди. Композитор Мутал Бурҳонов умрининг сўнгги даврларида, 1997-2002 йилларда ўзи туғилиб ўсган Бухоро шаҳардаги ушбу уйда яшади.

Муассаса очилишига бағишланган маросимда маҳаллий давлат ҳокимияти мутасаддилари, маданият ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ўзбек композиторлик мактаби асосчилари қаторидан муносиб ўрин олган, биринчи ўзбек хор жўрлиги асарлари муаллифи Мутал Бурҳонов ижодий фаолияти давомида турли жанрларда юқори бадиий асарлар яратди. Унинг ижодига мансуб “Мангу хотира” марсияси, “Навоий қасидаси”, “Севги номи ила”, “Шоир орзуси”, “Шундай қилиб сен кулмадинг” романлари, “Она ер”, “Зар иплар”, “Баҳор” кўшиқлари, “Мафтунингман”, “Ибн Сино”, “Орол балиқчилари”, “Сурайё”, “Истиқбол йўли” каби бадиий фильмларга ёзган мусиқалари миллий санъатимиз хазинаси дурдоналаридандир. Шу ўринда ижодкорнинг “Алишер Навоий” операси, Абдурахмон Жомий шеърига басталаган “Ширу шакар” кўшиғи, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ҳамда ўз акаси, амакилари хотирасига бағишлаб яратилган “Абадий хотира” марсиясини алоҳида қайд этиш жоиз.

– Мутал Бурҳонов уй-музейи ташкил этилишида Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси директори Абдурашид Зикриллаев ва марказий музей илмий ходимларининг яқиндан қилган кўмаги асосида ажойиб экспозиция шакллантирилди. – Бу ерда бастакор ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ 2 мингдан ортиқ фото суратлар, турли ҳужжатлар, мусиқа асбоблари, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари ҳисобга олинган. Унинг ижодхонасидаги иш қуролилари ва бошқа шахсий буюмлар томошабин эътиборини тортиши, шубҳасиз. Бу экспонатлар ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар, тарихий ва маданий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Экспозициянинг дастлабки қисмида уй-музейининг очилиши, Ўзбекистон халқ артисти бўлган бастакор ижоди ҳақида маълумотлар

доскаси, унинг фотосуратлари, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари: Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси акс эттирилган плакатлар, бастакорнинг суратлари ва бошқалар ҳақида маълумотлар бериб ўтилади.

Шунингдек, давлат арбобининг ёшлик даврларига бағишланган ушбу хонада асосан Мутал Бурхоновга тегишли бўлган бир қанча буюмлар, китоблар, ужатлар, фотосуратлар, хона жиҳозлари: стол-стул, телевизор, унинг кийим-кечаклари ва бошқа ёрдамчи буюмлар намойишга қўйилади.



Музей “Мутал Бурхонов умр йўли”, “Бастакор ижодхонаси”, “Эътироф, эҳтиром”, “Муסיқа тарихи” каби бўлимлардан иборат. Уй-музейида Марказий Осиёда муסיқа санъати ривожланишига оид хужжатлар, XVIII асрда Бухорода шаклланган “Шашмақом”нинг дастлабки нотага солиниши,

у билан боғлиқ илк тадқиқотлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг яратилиш жараёни акс этган лавҳалар кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Уй музейининг дастлаб кимеҳмонлари болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тарбияланувчилари, ёш санъаткорлар бўлди. Бугунги кунда санъат йўлига қадам қўймоқчи бўлган ҳар бир инсон бу ерга ташриф буюрса ўзи учун керакли хулосалар чиқараишига биз ишонамиз. Дарҳақиқат, Бухоро давлат университети мусиқа факультети талабалари ҳам бу ерга ташриф буйуриб кунт билан буюк бастакорнинг ижод йўлини ўрганиб келмоқдалар.

BUXORO HUNARMANDLARINING KASBIY TARIXIDAGI URF-ODAT VA UDUMLARI.

**BuxDU “Islom tarixi va manbashunosligi, falsafa” kafedrası
*o’qituvchisi Dehqonov B.B.***

*Ilmsizga ishonch yo’q,
Hunarsizga quvonch yo’q.
Xalq maqollaridan*

Barchamizga yaxshi ma’lumki Buxoro vohasi o’zining boshqa hududlar singari uzoq asrlik tarixga ega bo’lgan turli-tuman hunarlari, o’ziga xos qadimiy an’analari mavjud bo’lib, O’rta Osiyoning iqtisodiy, siyosiy hamda madaniy hayotida salmoqli o’rin egallagan Buxoro hunarlari avloddan-avlodga, ustozdan shogirdga meros tarzda o’tib, hozirgi kunga qadar sayqallanib kelmoqda.

To’plangan etnografik manbalarga asoslanib, vohada hozirga qadar qirقدan ziyod oilaviy kasb va hunarlar mavjud ekanligini qayd etish mumkin. Bular asosan, jun to’qimachiligi, gilamdo’zlik, arqondo’zlik, ipgazlama, to’qimachilik, kashtado’zlik, do’ppido’zlik, kovushdo’zlik, tikuvchilik, temirchilik, cho’yangarlik, misgarlik, qulfsozlik, tunikasozilik, yog’ochsozlik, yog’och o’ymakorlik, aravaso’zlik, qamishsozlik, kosibchilik, nonvoy oshpazlik, quduqsozlik, o’ymakorlik, sovungarlik, sartaroshlik, ovchilik va boshqa hunarlar bo’lib, ular mahalliy aholining amaliy va hayotning kundalik mashg’ulotiga aylangan. Bu hunarlar qatorida ip-gazlama, jun to’qimachilik, temirchilik, sartaroshlik bilan mashg’ul bo’lgan to’qimachi, shuningdek, kashtado’zlarning pirlari esga olinib, ularni g’azabga keltirmaslik uchun asbob-uskunalarni hamda do’konlarni ozoda saqlaganlar. To’qimachi va chevarlar ish faoliyatida doimo tahorat qilib, ozoda yurishi shart bo’lgan. Har kuni ertalab ish boshlanishidan oldin, o’z pirlaridan madad so’rab, fотиha o’qiganlar. To’qimachilar do’kon yoki o’rmon dastgohida ipni tizib, chiqqandan so’ng uni to’qish oldidan tovuq so’yib, qon chiqqanlar, ya’ni,

Болтаев Б., Жумаева М. Миллий мусиқа санъатининг буюк намояндаси Мутаваккил Бурхоновнинг Бухородаги уй-музейи тарихидан.....	462
Dehqonov B.V. Buxoro hunarmandlarining kasbiy tarixidagi urf-odat va udumlari.....	464
Хусен Хайруллоевич Джураев. XIV – XIX АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ВА БУХОРОДА МИНИАТЮРА МАРКАЗИ.....	468
Azimova Sh.I. BUXORO XALQ QO'SHIQLARI VA MUSIQASI TARIXIGA NAZAR.....	472
Хамраев И. БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ.....	474
Бахриев А. БУХОРО ШАШМАҚОМИ - САНЪАТИМИЗ ВА МАЪРИФАТИМИЗ КЎЗГУСИ.....	479
Р.Қиличев. БУХОРОДА ПОЙАБЗАЛДЎЗЛИК.....	482
Р.Қиличев, Д.Убайдуллоева. БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ МАРКАЗИ.....	485

**БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
 ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ (МАЪРИФАТПАРВАРЛАР,
 ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР) МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ..... 488**

Ахмадова З.Ш. XX АСР БУХОРО ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ МУҲИТИДА АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ЎРНИ.....	488
Ахматов А.Ҳ. БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ВА АБДУЛАЗИМ СОМИЙ.....	490
Абдуллаева Ф.Ш. МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА БУХОРО ЖАДИДЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	493
Varnoyeva G.R. BUXORO JADID MA'RIFATPARVARI ABDURAUFI FITRAT ILMIY ME'ROSIDA OILA MASALALARI.....	497
Жамолова Д. БУХОРОДА 1918 ЙИЛ МАРТ ВОҚЕАЛАРИ: УЛАМОЛАР ВА ЖАДИДЛАР КУРАШИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	499
Qurbonov O'R. BUXORODAGI TARAQQIYPARVAR GEOSIYOSIY QARASHLARINING RIVOJLANISHIDA ULKAN HISSA QO'SHGAN ALLOMA.....	503
Қаландаров Ҳ.Ҳ. ЁШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ВА “ТАРБИЯИ АТФОЛ” ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ.....	507
Эргашева М.З., Эргашева М.Ғ. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ (ИЛМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ КАФОЛАТИ ХУСУСИДА).....	511
Наимов И. БУХОРОДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЪРИФАТПАРВАЛИК ДАВРАЛАРИ ҲАМДА УНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ.....	514
Рашидов О. БУХОРОДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ.....	519